



YOSHLAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

TAHLIL VA TALQIN

СИРДАРЁ ТАЖРИБАСИ — САДОҚАТ НАМУНАСИ



Дунёда болам деб яшайди ўзбек. Аммо дунёнинг ишлари кизик-да. Баъзан тўқиллик ва тўқликда ҳам бир этак бола у ёқда турсин, ҳатто ёлғиз фарзандига эллаб тарбия беролмаётган оталарни кўраймиз. Ундайларга давлатимиз ибрат, намуна кўрсатаётгани эса, таҳсинга лойиқ жиҳатдир. Ажабланманг! Ахир, бугун юрт сарбони найчки 20 миллиондан зиёд

коракўз, балки бутун миллат маънавиятини юксалтириш учун жон қойиётгани ҳақиқат-ку!
Узоққа бормаёлик. Президентимизнинг яқинда Сирдарё вилоятига ташрифидан хулоса чиқаришнинг ўзи кифоя. Эл оғзига кўп ҳам тушмайдиган ушбу ҳудуд аҳолиси аслида жуда мураккаб шароитда яшаб келаётганини билганлар бор, билмаганлар ундан



ҳам бисёр. Эҳ-хе, бу ҳақда Мирзачўлнинг шўр тулроғида дарахт кўкартирган бободехкону умри эски ва тор уйларнинг зах деворлари ичида ўтайган чўлликлардан сўранг. Шунда ҳам дардини сизга минг истиҳола билан очади улар. Ҳар икки гапининг бирида эса, шукр деган каломни эшитасиз. Ҳарқалай бундан бугунга сирдарёликлар шукрона келтирса арзийдиган



сабаблар кўпаяди. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари вилоят иқтисодий ривожланиш ва маънавий юксалиш манзили сифатида қолган ҳудудлар учун намуна бўлиши зарурлигини қайд этганди. Бундай ташаббус ортида халқ фаровонлигига эришиш, айниқса, ёшларни рози қилиш истаги ётганини илғаш мушкул эмас.
Режа қоғозда қолиб кетадиган, катта-катта ваъдалар берилиб, эртасига-ёқ унутиб юбориладиган замон эмас ҳозир. Энди айтилган гап ерда қолиб кетаётгани йўқ. Аксинча, ҳеч вақт ўтмай, одамлар кўз ўнгиде амалий ифодасини топаётди. Ишонмайсизми? Унда 23 февраль куни турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ижодқору санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳи сафида сиз ҳам Гулистон шаҳрига йўл олишингиз керак эди, дўстим.



(Давоми 2-саҳифада)

ТЕНГДОШЛАРИМГА

Бунча баланддамиз, осмонмиз бунча,
Ҳақиқат ёлғонни йикмай қолдимми?
Подшонинг қарори чикмагунича
Қалбимиз қарори чикмай қолдимми?!

Китоб кўрган халқдир, кўрмаган – авом,
Биз ўзни қайгадир кетдик ташлабми?
Умрида мактабга бормаган момом
Биздан яхши билар Бобо Машрабни.

Мен ҳам ошиқдирман муҳаббатдан маст,
Кўнглига тоза ишқ солганлар борми?
Китобни буйруқнинг ижроси чунмас,
Юрак нидоси чун олганлар борми?!

Юрагим орқага тортади баъзан,
Муқаддас сўзларнинг заволидан, дўст.
Кўркмаслик – кўркувга солар дафъатан
Мушток китобларнинг уволдан, дўст.

Ҳар дам тафаккурга бериб қанотни,
Инсонки, умрига назар ташласин.
Китобдан топгаймиз боқий ҳаётни,
Китобда яшаган дўстлар яшасин!

Меҳриноз АББОСОВА

BIZNES SABOQ

Зафар ХОШИМОВ рецепти: “ЗАРАРГА ҲАМ ИШЛАЙ БИЛИШ КЕРАК”



Ёшлар иттифокнинг Навоий вилояти кенгаши “Ёшлар қоворкинги маркази”га “Korzinka.uz” савдо тармоғи бош директори Зафар Хошимовни тақдир этди. Машҳур тадбиркор ҳудуддаги ёш ҳамкасблари билан солиқ сисъатадаги сўнгги ислоҳотлар хусусида мулоқот олиб борди.

Баъзилар солиқ тўлашни ҳушламайди. Даромадининг бир қисmini қимгадир шундоққина бериб юбораётгандек туюлади уларга. Тадбиркорлар орасида ҳам шундай фикрловчилар бор. Аслида солиқ тушумлари давлатнинг фуқаролар олдидеги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва зарур эҳтиёжларини қондиришга имкон беради. Демак, мажбурий ажратмамиз кун келиб ўзимизга-да асқатиши аниқ.
Бу ҳақда Зафар Хошимов шундай дейди: “Бугун юртимизда амал қилаётган янги солиқ тизимининг ижобий томонлари кўп. Ягона ижтимоий тўловнинг кескин қамайтирил-

гани, пенсия жамғармаси ва мақсадли жамғармаларга йиғимлар бекор қилинганини алоҳида таъкидлаган бўлардим. 2005 йилда онлайн дўкон очганимда бир кунда 10-12 кишигина маҳсулот буюртма қиларди. Аста-секин миқозлар сони 150 нафарга етди. Лекин харажатлар ўзини қопламади. Шунга қарамай, фаолиятимни тўхтатганим йўқ. Тадбиркор зарарга ҳам ишлай билиши керак. Навоий шаҳридаги қоворкинги марказига кириб, ўша йиллар ёдимга тушди. Бизда ҳозирги



ёш тадбиркорга яратиб берилаётган-дек қулай шароит, мана бунақанги шинам офислар бўлмаган. Буларнинг қадрига етиш ва сидқидилдан ҳалол меҳнат қилиш керак.
Учрашув иштирокчилари меҳмонга кўплаб саволлар билан мурожаат этди. Сермазун мулоқотдан барчанинг кўнгли тўлди. Лойиха яна давом этади.
Дилқушо НАВРЎЗОВА

NIQOH

ЖАМИЯТНИ ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛОВЧИ КУЧ

*Маърифат водийсин андин сўнгра бил,
Дашти бобоёғлигин наззора қил.
Кимки бу водийга бўлди муттасуф,
Тонди анга ҳолларни мухталиф.*

Ҳазрат Навоийнинг “Лисон утайр” асари бобларидан бири — “Маърифат водийсининг васфи” дан кейин шундай хикоят келтирилади: “Бир неча кўзи ожиз кимсалар маълум муддат мусофирлик сабабми, асир тушубми Хиндистонда бўлади. Ўша ерда уларни фил хайкали ёнига олиб бориб (табийки, улар филни кўрмаган эди) уни тасвирлаб беришни сўрашади. Кўрларнинг ҳар бири филнинг қайси аъзосини пайпаслаган бўлса, шунга асосланиб жавоб беради. Оёқларини силаб кўргани филни — “устун” деса, қоринни пайпаслаб кўргани “бесутун”, дея жавоб қилади. Ҳартумини ушлаб кўргани филни аждарҳога, тишларига қўли теккани уни суякка менгзайди. Қулогини ушлагани эса, елпингичга киёслайди”.

Қиссалдан ҳисса шуки, маърифатда қимил бир мақомга эришмаган киши бамисоли ўша кўрлар ҳолига тушади. Ўзи “ушлагани”нигина ҳақ деб билиб, бошқалар билан ихтилофга боради, мунозара қилади. Инсон маърифатда қимилликка эришмоқ учун қалбда, онгида, шуурида илм уруғларини қуртак ёздирмоғи лозим.

Шоир Зокиржон Фуркат айтганидек:

*Ҳақон борки қушоди илм бирла,
Надур дили муроиди илм бирла.*

Дарҳақиқат, бизни илм уммонига

етақлайдиган, қимиллик сари илдам қадим ташлашимизга замин яратадиган бирдан-бир ягона куч бу — маърифат. Маърифат бахт-саодат қалитидир. Ундан узоқлашиш эса, бизни жоҳилликка, жоҳиллик эса илмсизликка етаклайди. Илмсизлик эса, кишини тубанлаштиради. Бундай иллатлардан чекиниш учун маърифатнинг асосий манбаи бўлган китобга эътиборимизни қаратишимиз керак.

Буюк маърифатпарвар Чўлпон адабиётни “Ўткир юрак қирларини ювадурган тоза маърифат суви” дея таърифлаган эди. Биз мана шундай маърифат сувидан баҳраманд бўлмас эканмиз, қимилликнинг чўққисига эриша олмаймиз. “Авлодларга келар замон илмини ўргатинг! Зеро, улар сиз яшаётган даврда эмас, ўзга замонда яшайди”, деганди Махмудўжа Бехбудий мақолаларидан бирида.

Бугун шиддат билан ривожланиб бораётган юртимизда илм-маърифатга қаратилаётган қатта эътибор замирида буюк бобоқалонларимиз ибрати ўз аксини топмоқда десам, муволага бўлмайди. Таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш, ҳар жиҳатдан замонвий тизим яратиш борасида қиллинаётган ишлар фикримизнинг исботидир.

Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай ривожланиш, таракқиёт охири-оқибат илм-маърифатга бориб тақалади. Зеро, маърифат инсонни қамолга, жамиятни таракқиётга етаклайди.

**Шаҳзода ШОМУРОВОДА,
Ўзбекистон журналистика
ва оммавий коммуникациялар
университети талабаси**

TAJIRIBA



НЕГА ВОБКЕНТ, НЕГА ЁШЛАР?

Туманда салкам 33 минг ёш истиқомат қилади. Шундан 1 минг 665 нафари ишсиз. 23 нафарга эса, ички ишлар бўлимининг профилактик ҳисобида туради.

Энди рақамлардан моҳиятга ўтсак. Яқинда Ёшлар иттифокнинг маҳаллий кенгаши “Келажак ўз қўлида” шiori остида ёшлар форумини ўтказди. Ўша қонун чегарасидан чиққан, адашдан, чин кўнглидан пушаймон бўлаётган ва эҳтимол, шум қилмишини энди ҳеч қачон тақорламайдиган йиғит-қизлар учун... Иштирокчилар орасида улардан ташқари бошқа тоифадаги 350 нафар ёш ҳам бор.

Жараён “Разолат қурбонлари” спектакли намойиши билан бошланди. Диний экстремизм, гиёҳвандлик, терроризм иллатларининг бугун ҳар қайси мамлакат ҳавфсизлигига таҳдид солаётгани, ёшларнинг фойдали ишларга жалб этиш, фарзанд тарбияси учун ота-она масъулиятини ошириш, билимни қадрият даражасига қўтаришдек муҳим масалалар талқинига бағишланган саҳна асари йиғилганларда қатта таассурот қолдирди.

30 нафар ўқувчи жалб этилган “Суд ва ёшлар” учрашуви чоғида жиноятга элтувчи омиллар хусусида фикр алмашиди. Шундан сўнг Вобкент тумани маъмурий суди судьяси Ихтиёр Холов раислигида қонуний равишда йўловчи ташиган тақси хайдовчисига нисбатан суд иши кўрилди. Ёшлар мутахассисдан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

— Форум ишидан ниҳоятда қонқилдим, дедри битта ҳам лойиҳани ўтказиб юборганим йўқ, — дейди иштирокчилардан бири Феруз Неъматов. — Келажакда ички ишлар ходими бўлмоқчиман. Тадбиркорликка ҳам уқувим бор. “Мен ҳам тадбиркор бўламан” мавзуда ташкил этилган семинар-тренинг мен учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлди.

Форум доирасида, 52 нафар тенгдошимиз чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Қизларга эса, эрта турмушининг салбий оқибатлари тушунтирилди.

Сўнгра футбол, волейбол, югуриш бўйича спорт мусобақаларига старт берилди.

Рохатой ҚОДИРОВА

СИРДАРЁ ТАЖРИБАСИ — САДОҚАТ НАМУНАСИ



(Бошланиши 1-саҳифада)

ГУЛИСТОНДА ЎЗГАРИШЛАР КАТТА...

Февралнинг илк кўёши гулдек чирой очган шаҳарни кўз ўнгимизда янада файзли ва тароватли этиб турарди, гўё. Ҳа, Гулистонда ўзгаришлар катта...

— Катта ўзгаришлар ҳали олдиди, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси Шавкат Зайниддинов. — Сентябрда келсангиз, хув анави бўш ётган ерда ҳашаматли Ёшлар марказини кўрасиз. Бугун унинг пойдеворида ахши ният билан қозик қокдик. Марказда 22 турдаги тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилиб, уларга бир кунда жами 1 минг 500 нафар йигит-қиз қамраб олинади. Ёшларнинг замонавий ахборот технологиялар бўйича билимини оширишга алоҳида аҳамият қаратамиз. Қолаверса, Ёшлар маркази биносидида 350 ўринли кўчирчоқ театрини жойлаштириш ҳамда замонавий тивув цехини ташкил қилиб, 50 кишини доимий иш билан

таъминлаш режалаштирилган. Бунақа тажриба ҳали биронта ҳудудда қўлланилган эмас.

Янги марказ биносига пойдевор қўйиш маросимидида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев ҳамда Сирдарё вилояти ҳокими Гофуржон Мирзаев сўзга чиқиб,

Юртбошимиз ташаббуси асосидида вилоятнинг барча туману шаҳарларида бошланган кенг бунёдкорлик ишлари мамлакат раванкига хизмат қилишини ва мазкур жараёнда ёшлар фаоллик кўрсатиши заруриятини таъкидлади.

“КИТОБЛАР ҚАРВОНИ”

Эртамиз эгаларини китобхон авлодга айлантириш ҳам давлатимиз учун принципиал



муҳим масала. Бу жихатдан айнан Сирдарё вилояти байроқдорлар сафидан жой олмоғи даркор. Ҳаракат бошланган. Жумладан, кунни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда “Китоблар қарвони” лойиҳасига старт берди. Шу аснода 3 мингдан ортиқ бадий адабиёт автомашиналарга ортилиб, 11 та туман ва шаҳардаги таълим муассасалари кутубхоналарига етказиб берилмоқда.

Шу билан бирга, адабиётга ҳавасманд 450 нафар йигит-қиз Гулистон шаҳар ҳокимлиги фаоллар залида Тошкентдан келган меҳмонлар — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид, “Дугоналар” журнали бош муҳаррири ўринбосари, шоира Гулжамол Аскаророва, Ёшлар иттифоқи қошидаги Республика ёш ишодкорлар кенгаши раиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Меҳриноз Аббосова билан жонли, самимий мулоқот қилиш имконига эга бўлди. Сухбат чоғида Сирдарёнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Халима Худойбердиева ҳам хотирланди. Унинг бетакрор ижоди ҳақида илқ сўзлар айтилди, шеърларидан намуналар ўқилди.

Ёшларда мутолаага ҳавас уйғотиш учун уларни кутубхоналарга яқинлаштириш керак. Шу мантиқдан келиб чиқиб, яқин истикболда Сирдарё вилоятида 221 та маҳалланинг ҳар бирида биттадан кутубхона қуриб фойдаланишга топширилади. Ана сизга ёндашув! Ростман ҳавасинг келади-я!



шаш бўлмаган ушбу уникал акциянинг бошланиши катта байрамга айланиб кетди. Гулистон шаҳридаги ахборот-кутубхона марказига жам бўлган 500 нафар ўқувчи ёшлар нашрларига бепул обуна қилинган ҳақидаги махсус гувоҳномаларини шу нашрларнинг бош муҳаррирлари қўлидан қабул қилиб олди. Бир вақтнинг ўзида уларга газета ва журналларнинг янги сонлари тарқатилди.

Сирдарё спортнинг бир қанча турлари бўйича ўз мактабига эга вилоятлардан бири саналади. Бу заминда спортсевар ёшлар чиндан ҳам кўп. Уларнинг иштиёқини сўндирмаслик, аксинча, ҳар жихатдан қўллаб-қувватлаш ниҳоятда муҳим. Бунга эса, биринчи галда, спорт яратилган шугўлланишга муносиб шароит яратиб бериш орқали эришиш мумкин. Масалан, жорий йилда Гулистон туманидаги “Аҳмад Яссавий” маҳалласида

2019 ЙИЛДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ЁШЛАРНИНГ БАНДЛИгини ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Ёшлар бандлигини таъминлаш:

5 589 нафар ёшлар	1 120 нафар ёшлар
2 234 нафар ёшлар	3 411 нафар ёшлар
1 634 нафар ёшлар	1 757 нафар ёшлар
220 нафар ёшлар	368 нафар ёшлар
3 350 нафар ёшлар	3 073 нафар ёшлар

НАТИЖАДА:
Ишсиз ёшларнинг 22 756 нафари (ёки 54,1%) бандлиги таъминланади.

Сирдарё вилоятида 30 ёшгача бўлган ёшлар сон:
488 минг 100 нафар, шундан 14-30 ёшдагилар: 174 минг 307 нафар

Бандлиги таъминланган ёшлар сон: 42 117 нафар
Ҳориқда иш ёки ўқишга кетган ёшлар сон: 10 918 нафар
Ҳами: 53 035 нафар (вилоят ёшларнинг 30,4 фоизи)

Сирдарё вилояти ёшлари учун замонавий “Ёшлар маркази” ни барпо этиш:

Марказ 3 қаватдан иборат бўлиб, унинг куралиши учун 15 млрд. сўм маблағ сарфланади.

Марказда аниқланган ўқувчи ва ўқувчи бўлиб, кўчирчоқ театри ва 22 та ўқувчи ташкил этилиб, уларга кунига 1500 нафаргача ёшлар шугўлланилади.

Сирдарё вилоятида ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши натижасида жами 76 084 нафар (ёки 43,6%) ёшлар қамраб олинди режалаштирилган.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш:

Кунига 1 750 нафар ёшлар 11 та туман (шаҳар) давлат-қўрсатиш шериклик асосида ташкил этиладиган футбол майдончаларида қамраб олинади.

8 858 нафар ёшлар “Ёшлар марказлари” да касб-ҳунар, компьютер ва инглиз тили дарсларига ўқитилади.

4800 нафар сав таъминланган ва юстиция муҳофазатига муҳтоқ ёшлар учун “Халқ сўзи”, “Ёшлар овози”, “Молодёжь Узбекистана” газеталари ҳамда “Дугоналар” ва “Ёш куч” журналларига обуна ташкил этилади.

Ёшлар учун 100 китоб лойиҳасида ёш ишодкорларнинг илк асарлари жами 34 900 нускада чоп этилиб, вилоятдаги барча таълим муассасаларига етказилади.

1620 нафар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар вилоятда ташкил этиладиган жами 231 та “Фидокор ёшлар” патриуть гуруҳларига жалб қилинади.

НАТИЖАДА:
Фаол маънавий ҳаётга 51 828 нафар (ёки 29,7%) ёшлар қамраб олинади.

Ёшлар иттифоқи, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Маънавий ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида жами 174 307 нафар (ёки 100,0%) ёшлар билан тизимли ишлар йўлга қўйилади.



УНИКАЛ АКЦИЯ

Маънавиятнинг юксалишида газета ва журналларнинг ҳам ўрни бўлакча. Бугунги кунда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигида “Ёшлар овози” ва “Молодёжь Узбекистана” газеталари, “Ёш куч” ва “Дугоналар” журналлари чоп этиляпти. Уларнинг ҳаммаси ёшлар аудиториясига мўлжалланган. Сирдарё вилоятида шу нашрларга 5 минг нуска бепул обуна ташкил қилинди. Илқ, биринчи навбатда, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда олис ҳудудларда истикомат қилаётган ёшларга тақдим этилган.

Кўлами ва аҳамияти жихатдан ўх-

замонавий сузиш хавзасини барпо этиш кўзда тутилган. Иншоотга пойдевор қўйиш маросими ҳам ўтказилди. Энди белни маҳкам боғлаб, ишга астойдил киришилса бас.

Ҳарқалай, бу нафақат курувчи-бинокорлар, балки Сирдарёнинг нон-тузини тотиб улғайган ҳар бир инсонга тааллуқли гап аслида. Илло, кўпга келган ишдан бўйин товланмайди.

Демак, Сирдарё тажрибасини садоқат намунасига айлантириш пайти келди, азиз тенгдошлар!

Н.БАХОДИРОВА.
Анвар ТҶҲИЕВ олган суратлар.

YOSHLAR ITTIFOQI LOYIHALARI

ТАРҒИБОТ ДЕКАДАСИ СТАРТ ОЛДИ

Ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик, сунид ҳолатларини барвақт олдини олиш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, жиноятчиликни таҳлил қилиш нафақат мутасадди ташкилот вакилларининг, балки барчамизнинг олдимизда турган долзарб масалаларидир.



“Барчаси ўз кўлингда!” шиори остида ўтказилаётган тарғибот декадаси ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, жойларда 10 кун давомидида муҳим ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Ички ишлар бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Жиззах вилоят бўлими ва бошқа мутасадди ташкилот ходим-

лари билан ҳамкорликда дастлабки тарғибот декадаси Арнасой туманида бўлиб ўтди.

Арнасой тумани халқ таълими бўлимига қарашли 8-умумтаълим мактабидида Жиззах давлат педагогика институтининг малакали психолог ўқитувчилари томонидан тумандаги 7 нафар профилактик хисобда турувчи ёшлар ва 3 нафар нотинч оила билан психологик суҳбат ўтказилди.

Психологик суҳбат жараёнида аниқланган салбий ва ижобий ҳолатлар юзасидан йўл харитаси тузилиб, тегишли ташкилотларга йўналтирилди.

Тумандаги ишсиз ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида “Street workout” мусобақалари ташкил этилди. Бунда улар турникда тортилиш, брис, армрестлинг, стол теннис тури бўйича ўзаро беллашди.

Туман марказидаги компьютер ўйингоҳларида ўтказилган рейдларда эса, дарс машғулотлари вақтида вояга етмаган ёшларнинг йўқлиги аниқланди.

Тумандаги 3-, 8-, 20-умумтаълим мактабларида “Давомат” ва “Тиг” рейдлари ташкил этилганда 3 фойз ўқувчи сабабли равишда келмагани, истиқоиди ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежидида 30 фойз ўқувчи дарс машғулотларига қатнашмаётгани аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ИИБ ходимлари томонидан тегишли тартибда баённомалар тузилди.

Элдор НАВРҶЗОВ

BIZNES SUHBAT

БИЛИБ ҚҶЙГАН ЯХШИ-ДА

“Бизнес психологияси” деганда нима тушунилади? Тадбиркорликда “стресс-менеджмент”нинг аҳамияти қандай? Бизнес режани тузиш қоидалари борми? Булар ҳақида Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-ҳунар коллежи ўқувчилари “Бизнесга илк қадам” мавзусидаги давра суҳбатлари орқали билиб олмоқда.

Ана шундай тадбирларда “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида коллеж битирувчиларининг тадбиркорликка кенг жалб қилинаётгани, ёшлар қорхоналари фаолияти қўллаб-қувватлаётгани қувонарли.

— Тижорат банклари билан ҳамкорликда ҳар йили ўтказиб келинаётган “Менинг бизнес ғоям” танлов орқали қанчалаб йигит-қизлар юрт раванкига хизмат қиладиган, ижтимоий аҳамиятга молик бизнес



лойиҳалари учун имтиёзли кредитлар оляпти, — дейди коллежнинг ёшлар етакчиси Оллоберган Аскароров. — “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида ташкил этилаётган “Ёшлар меҳнат гузарлари” ҳамда коворкинг марказлари эса, уларнинг бандлигини таъминлашда қўл келмоқда. Айтилик, коллежизмининг бухгалтерия йўналишида таълим олаётган Абдулазиз Мўминов яқинда хорижий тилларни ўргатишга ихтисослаш-

ган “Your China” ўқув марказини очди. Бундай мисоллар ёшлар масаласида олиб борилаётган давлат сиёсатининг самарадорлигини яққол кўрсатиб туради.

Давра суҳбати якунида Абдулазиз сингари ташаббускор ўқувчилар ўзларини кизиктирган саволларга Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази мутахассисларидан батафсил жавоб олди.

Дилшод РҶЗИҚУЛОВ

ЁШЛАР САЙЛОВДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАДИ

Тошкент вилояти Бўстонлик туманида ўтказилган “Сайлов жараёнида ёшлар иштирокини кенгайтириш ва фаоллигини ошириш” мавзусидаги семинар-тренинг хулосаси шундай бўлди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “Етачки” ёшлар маркази томонидан ёшларнинг сайлов конунчилиги, сайлов жараёни ва депутатликка номзодини илгари сурш бўйича билимини ошириш мақсадида ташкил этилган мулоқотда Марказий сайлов комиссияси, сиёсий партиялар вакиллари, фаол ёшлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган алоҳида эътибор юксак самара бераётгани таъкидланди. Ёш авлоднинг сиёсий ислохотлардаги фаоллигини ошириш, хусусан, ёшларни депутатликка тайёрлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий

муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини кенгайтириш, юрт тақдирини ҳақдорлик туйғусини ошириш ёшлар иттифоқининг асосий вазифаси экани қайд этилди.

Семинар-тренингда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий сайлов комиссияси ва сиёсий партиялар вакиллари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни мазмун-моҳияти ҳақида ёшларга маълумот берилиб, интер-фаол машғулотлар ўтказилди.

Машғулотларда сайлов жараёнининг шаклланиши, мавжуд муаммолар, сайлов

конунчилигидаги янгиликлар тўғрисида ҳам атрафлича фикр алмашилди. Сиёсий партияларнинг сайловолди платформаси (харакат дастури), номзоднинг сайловолди дастури, сайлов штаби фаолиятини йўлга қўйиш, сайловолди ташвиқоти, депутатликка номзодлар фаолияти қаролатилари ҳақида зарур маълумот ва тавсиялар берилди.

Амалий машғулотда фаол ёшлар ўз сайловолди дастурини ишлаб чиқиш, тақдирини ўтказди. Шунингдек, гуруҳлар ўртасида сайловолди дебатлари уюштирилди.

Тадбирда “Етачки” ёшлар маркази томонидан ўтказилган тест синови ва ўқув машғулотида фаол иштирок этган ёшлар фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири

ЁШ ДИЗАЙНЕРЛАРИМИЗ МИЛАНДА

19-25 февраль кунлари Италиянинг Милан шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мода ҳафталигида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Ёш дизайнерлар кенгаши аъзолари ҳам ўз ижод намуналари билан қатнашди.

Намойиш учун миллий матоларимиздан адрас, шойнинг 2019-2020 йиллар куз-киш мавсумидаги энг сўнгги русумдаги либослар намуналари асосида эскизловчи нақшлар ишлаб чиқилиб, улардан терма коллекция яратилди. Кенгашига ўз ижодий ишларини топширган мохир ва истеъдодли ёш дизайнер Дилноза Умрзокова бошчилик қилди.

Либос усталари мулоқот

тига 23 нафар дизайнер таклиф қилиниб, улардан 6 нафарининг ижод намуналари Милан мода ҳафталиги ташкилотчилари томонидан танлаб олинди. Либос тўпламларини яратишда модельер-дизайнер Гулноза Ҳасанова, конструктор Раёно Вакилова, нақшлар ва безаклар бўйича расом Умида Исоқова, миллий матолар билан ишлаш бўйича мутахассис, модельер-конструктор

Феруза Эргашева, дизайнер Зухра Қосимова самарали ижод қилган.

Ўзбекистонлик дизайнерлар яратган тўплам юқори баҳолалиб, хорижий ҳамкорлар билан шартнома тузиш имконини берди. Мода ҳафталиги давомида бўлиб ўтган учрашувларда мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



Халқимизда “Юрт-жамоли — миллат кўрки” деган нақл бор. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда юртимизда юз бераётган ўзгаришлар — шаҳар ва қишлоқларимизда кифасининг таниб бўлмас даражада чирой очаетгани, иқтидор эгаларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, жамият ҳаёти фаровонлашиб, одамларимиз онгу шуури, қалби янада покланаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

“GREEN CARD” ТАЛВАСАСИ

Афсуски, ана шундай кенг имкониятлардан баҳраманд бўлиб яшаш ўрнига хорижда бахт топиш илжинида юрган ва “Green card” талвасасига тушиб қолган ёшларимиз ҳам бор. Туман марказларидаги аҳоли гавжум жойларда “Green card” билан тезда бойиб кетиш имкониятини қўлдан бой берманг!”, “Сизни Америкада шохона ҳаёт кутяпти” каби чакирлар қулқоққа чалинади. “Бир думалаб” бойиб кетишни орзу қилган баъзи инсонлар эса, шу адовларга учиб, аввал тинчи, кейин эса, бутун ҳаёти бузилмоқда.

“Green card” ютган қизларни-ку, асти қўваринг. Уларнинг ошиги олчи. Бир зумда “давр қаҳрамони”га айланади. Атрофда йиғилар парвона. Уша “куёв болалар”нинг ҳолини кўриб на қулишингни, на йиғлашингни билсан. Уларнинг ҳаёли фақат бир фикр билан банд: тезроқ уйланиб ола-ю, Америкага жўнаб кетса!

Бир кун тахририятимизга Жомбой туманлараро маъмурий суди ходими, “Эрганақли” маҳалласида истикомат қилувчи Бобур Уролов келди. Сухбатимиз юқоридаги мавзуга тақаллади у қизиқ воқеани айтиб берди: “Кўшни туманда қадрдон дўстим яшайди. Ўтган йили ота-онаси уни севган қизига уйлантирди. Тўйда биз, собиқ қурдошлар ҳам иштирок этиб, икки ёшининг турмуши тоғли бўлишини тилдик. Орадан тўрт-беш ой ўтгач, дўстим билан алоқасини узилди. Кейин билсам, у кўшни қишлоқдан “Green card” ютган бир қиз билан қаттиқ “севиниб қолди”. Турмуш ўртоғи билан ажрашиб, “севинилми” билан Америкага жўнаб кетибди.”

— Кўшни қишлоғимиздаги бир йигит “Green card” ютиб олди, — дейди биз билан суҳбатда “Бўдана” маҳалласида истикомат қилувчи меҳнат фахрийси Абдураҳмон Қоржовов. — Эртаси кундан бошлаб нафақат туманимиз, ҳатто бошқа вилоятлардан ҳам унингга тинимсиз “совчилар” келиб: “Сизлар билан қуда бўлайлик. Ўқимизи, одобли, пазанда қизимиз бор, керак бўлса, барча тўй ҳаётларини ўзиниз кўтарамиз”, — деб қўймаётган экан.

Кўп ўтмай, сохта эр-хотин океан ортига жўнаб кетибди. Минг афсуски, орадан ярим йил ўтса ҳамки, улардан дарак бўлмади. Бир йил ўтар-ўтмас, улар Америкада фарзанд кўрибди. Шундан кейин турмуш ўртоғи собиқ эрига телефон қилиб: “Мени кечиринг, ўғлимизга тўй қилганимизда бошида турасиз”, — дебди. Ўз жуфти ҳаётини дўстига “тортик” этиб юборган йигит аламдан ханузгача бошини чагалаб, ўзини-ўзи койирмиш.

Халқимиз ор-номус тушунчасини ҳақиқатга устуни қўйган. Қиз боланинг уйдан йиғитга совчи юборилмаган. Эрак ўз хасини бировга қўшқўллаб топширмаган. Бундай ишлар биз, ўзбеклар учун исод саналади! Наҳотки ўткнчи хою хавасини деб йиғитлик гурурини поймол этиб, оила шайинга доғ тушириш даражасига етган бўлмаска!

Яқинда иш юзасидан тумандаги Иқтисодиёт ва сервис коллежига бордим. Тадбирдан сўнг бир пиёла чай устида коллеж директори Жамол Илйоев билан суҳбатлашдик. У қизиқ воқеани айтиб берди: “Туман рўзномасида чоп этилган “Green card” можаросига оид мақола-нависни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Менинг бошимга ҳам шундай савдо тушган. Хонада ўтирсам, бир одам эшикни таклиллаб келди. Уни дарҳол танидим. Кўп йиллар мобайнида туманда маъсул вазифаларда ишлаган. “Келинг, хизмат”, — дедим мулоқимизга. У киши ўзини менга яқин олиб, гап бошлади. Сухбатимизни айнан келтираман:

— Шу десангиз, қариндошимизнинг кизи “Green card” ютганда. Коллежингизда ўқир экан, дипломи керак бўляпти, — деди у.

— Коллежини тамомлаётган ўқувчиларнинг барчаси дипломининг ўз вақтида олади. Бу муаммо эмас, — дедим.

— Мени нотўғри тушундингиз. У киз айрим сабабларга кўра ўқини ташлаб қўйган. Шунинг учун сиздан ёрдам сўраб келдим, ука. Қанча ҳаражати бўлса тортинмай айтаяверинг. Ҳаммасига тайёримиз! Тўғри-бел берсангиз, бўлди. Йўқса, “Green card”ни қўйиб кетади! — Узр, мен қонунга хилоф иш қилолмайман.

жahl билан гапира бошлади: — Сени тупна-тузук одам деб юргандим. Қўлингдан иш келмайдиган, бир ноёмас экансан! Ҳайф сенга директорлик! Сен бўлмасанг бошқаси ишимни хал қилиб берам.

Кейин эшитсам, эшигини тепиб чиқиб кетган ўша одам ишни барибир битказга олмабди.

Ҳа, юқоридаги каби хуноқ воқеалар оддий ҳолга айланиб бораётгани юракни гаш қилади, албатта. Илоҳ қанча. “Green card” талвасасига йўлиққан ёшлар на ота-онаси, на маҳалла-қўй, на

узра учаётган самолётлар, темир излар устида ҳаракатланаётган поезда ҳам худди Тошкентга кетаётгандай туюқлардан мезга. Юрагим орзиқиб, орқасидан узоқ вақтгача тикилиб қолардим...

У вақтлари телеграммалар жуда киска эзиларди. Соғинч қийнайвериб, охири, уйга: “Ота, салом, дол-вой десангиз ҳам ўқининг бу ёғи тамом”, деган мазмунда телеграмма жўнатишга мажбур бўлдим. Кейин машҳур ширимиз Мухаммад Юсуф: “Римни алишмас-

барнинг ўзи бундан беҳабар эди. Мана шу тахлит баҳор ойларида “Green card” можароси бошланган.

“Каттақиллоқ” маҳалласида истикомат қилувчи Аббор Раҳмонов олий маълумотли бўлса-да, ханузгача ишга жойлашмагани оила аъзоларини анча эзиб қўйган. Абборнинг бир ошанси нуфузли идоралардан бирида айнан “Green card” масаласи билан шуғулланади. Қайсики фуқарога ушбу ютуқ чиқса, аввало, шу одам хабар топарди. Аббор ўша дўсти билан тезте тез кўнгирақлашиб турарди. Қўнларнинг бирида дўстига сим қоқиб: “Туманингизда яшовчи бир қизга “Green card” ютуғи чиқди, агар уни қўлдан чиқаришни истамасан, бугунку уйига совчи юбориб, уйланиб ол. Ҳадемай, Америкада жўнаб бошлайсан”, — деб маслаҳат беради.

Афтидан Аббор дўстига: “Булунғурлик қизлардан кимгадир ютуқ чиқса, менга хабар қилсан”, — деб тайинлаб қўйган қўнади. Бундай хушхабарни анчадан буён кўтиб юрган худбаброн йигит ошансига: “Суюнчининг қуюғини кутавер”, деб мобил телефони учирган захотиёқ тинчи бузилди. Устига-устак, “Green card” ютган қиз узоқ қариндоши...

Шу тариха Аббор Раҳмонов ота-онасини дарҳол қистовга олади. Уларга уйлаб қўришга ҳам имкон бермай, қўрада-қўймай: “Бугунку совчиликка борасиз, бўлмас кеч бўлади”, — дея оёқ тираб олади.

Тортишиб ўтиришнинг мавриди эмас. Ота-она шўрлик бозор-ўчар қилиш тарафдори тушади. Кечкурун эса, Санбарнинг уйига борилади. Иш пиштилади. Бирок қуда томонинг асл мақсади билан беҳабар қизнинг ота-онаси совчиларнинг тўйини тезлик билан ўтказиш ҳақидаги таклифидан бироз ажаб ланади. Ахир, йигит билан қиз бир-бирини бирон марта ҳам кўрмаган бўлса...

амалдаги қонунларимизни билади. Шу жумлаларни ёзганман-у, ўзининг бошимдан ўтган бир воқеа ёлмига тушди. Отам — Қосим Гаффор ўгли I гуруҳ ногирони эди. Иккинчи жаҳон урушида Германиянинг Эльба дарёси бўйида кечган аёвсиз жангга кўрагидан оғир жароҳатланиб, госпиталга ётқизилган. Уруш тугагач, Львов шаҳридаги ҳарбий авиация қисмларининг бирида хизматни давом эттирган. Киевда ҳам бир неча бор бўлган. 1946 йили хизматдан қайтган. Давраларда ўша даврнинг кўп хотирларди. 60-йилларнинг ўрталари бўлса керак, қуролдош дўстларининг таклифи билан Украинага бориб, хизмат қилган жойларини зиярат қилиб келди. Менга, айниқса, Киев шаҳри ҳақида тез-тез хикоя қилиб беради. Шу сабаб бўлса керак, мактабдан кейин Киевда ўқиниша қатъий аҳд қил-

ман бедапоянга”, деганларидек, Киев шаҳрининг гўзаллигини киндик қоним тўқилган қишлоғимга алинтирмай, соғ-саломат уйга етиб келдим. Ота-она, қишлоқ, юрт соғинч нақадар муқаддас, улуг бир туйғу эканини ўшанда англаб етганман.

Ғайрати ичига сиғмай, тўлиб-тошиб бораётган, “тоғни толқон қилиш”га чоғланаётган ва минг афсуски, қўнматни давом эттирган. Киевда ҳам бир неча бор бўлган. 1946 йили хизматдан қайтган. Давраларда ўша даврнинг кўп хотирларди. 60-йилларнинг ўрталари бўлса керак, қуролдош дўстларининг таклифи билан Украинага бориб, хизмат қилган жойларини зиярат қилиб келди. Менга, айниқса, Киев шаҳри ҳақида тез-тез хикоя қилиб беради. Шу сабаб бўлса керак, мактабдан кейин Киевда ўқиниша қатъий аҳд қил-

ман бедапоянга”, деганларидек, Киев шаҳрининг гўзаллигини киндик қоним тўқилган қишлоғимга алинтирмай, соғ-саломат уйга етиб келдим. Ота-она, қишлоқ, юрт соғинч нақадар муқаддас, улуг бир туйғу эканини ўшанда англаб етганман.

Ғайрати ичига сиғмай, тўлиб-тошиб бораётган, “тоғни толқон қилиш”га чоғланаётган ва минг афсуски, қўнматни давом эттирган. Киевда ҳам бир неча бор бўлган. 1946 йили хизматдан қайтган. Давраларда ўша даврнинг кўп хотирларди. 60-йилларнинг ўрталари бўлса керак, қуролдош дўстларининг таклифи билан Украинага бориб, хизмат қилган жойларини зиярат қилиб келди. Менга, айниқса, Киев шаҳри ҳақида тез-тез хикоя қилиб беради. Шу сабаб бўлса керак, мактабдан кейин Киевда ўқиниша қатъий аҳд қил-

Жамшид Аббор билан йиғитча-сига гаплашиб, орани очик қилиб олишга аҳд қилади. Шу топда, яъни 2018 йил 25 июнь кун тахминан соат 12.00ларда Абборнинг қишлоғида яшовчи таниши Шавкат Қурбоновга телефон қилиб:

— Дўстим, менга ёрдамнинг керак бўлиб қолди. Ҳозир қишлоғинг тўғри-сидан ўтувчи катта йўлда учрасанг, қолган гапни ўша ерда айтаман. Кўчага чиқиб тур, — дейди.

Шундан сўнг Жамшид Санобарга ҳам йўлга чиқиб туришни тайинлайди. Ниҳоят учовлон учрашади. Бўлган воқеадан дўстини хабардор этган Жамшид: “Бирон бахона толиб, Абборни бу ерга бошлаб кел. У ёғини бизга қўйиб бер”, — дейди.

Дўсти Абборга кўнгирик қилиб, йиғитлар билан гап таллашиб қолганини, тезда катта йўлга келиши кераклигини айтиди. Аббор манзилга етиб келганида, соат чамаси 12.20 эди. Гап нимадалигини дарҳол тушунди. Аслида Аббор Санобар иккисининг ўртасида гов бўлиб турган Жамшид билан яхшилаб гаплашиб олишни қўздаб юрганди. Жўраси унга: “Ёлгон гапирганим умун узар, бу меҳмон қариндошим бўлади, ўзаро келишиб олишларинг керак”, — дейди.

Аббор Жамшидга қиз билан унаштирилганини, яқинда тўйлари бўлишини айтиди. Жамшид эса: “Тўйларинг бўлмайди!” — деб туриб олади. Шу тариха жанжал кўтарилади. Жаҳд устида Аббор “ракбини”нинг машинасида қалитини олиб синдиришга ва йўл четига — дала томонга отиб юборди ҳамда укаси Т.Раҳмоновга телефон қилиб, катта йўлда юз бераётган қалити вазиетни отасига тушунтириб беришни ҳамда уларнинг ҳам тезда етиб келишини тайинлайди. Воқеа жойига келиб қолган Раҳмоновларнинг қариндоши З.Латипов ҳамда жанжалга бошидан гувоҳ бўлиб турган Ш.Қурбонов йиғиларни яраштиришга уринади. Бирок фойдаси бўлмайди.

Кўп ўтмай, шу жойга “Нексия” русумли автомашинада Абборнинг отаси К.Довудов, укаси Т.Раҳмонов ҳам етиб келади. Отаси Жамшиддан нима гапниги сўраганида у К.Довудовни турли хил бўлмагур гаплар билан ҳақоратлайди. Бундан Абборнинг баттар жаҳли чиқиб, ердан тош олиб, Жамшиднинг бошига уради. Укаси ҳам: “Сен ҳали акамнинг тўйини буюмоқчимсан?”, — деб жанжалга қўшилиди. Бунга ҳам қоникш ҳосил қилмай, ердан қаттиқ бир жисм олиб, Жамшидга тегишли бўлган машинага шикаст етказди. Шундан кейин автомашинасида отаёвтирқа олиб келиб яна Жамшиднинг бурун ва юз қисмига ура бошлайди.

Шу пайт четда томошабин бўлиб турган ота ўғилларига ёрдам бериш мақсадида Жамшидга ташланади ва унинг оёғини синдиришга ҳаракат қила бошлайди. Гувоҳ З.Латипов эса, уларни ажратишга уринади. Жанжал сал бо-силчак, Жамшид ўзига келиб, бир чеккада турган Санобарни чақириб, унинг қўлига пул бериб, уйига кетаверишини айтиди. Санобар пулни олиб, катта йўлда ўтаётганда “Нексия” русумли автомашина уни уриб юборди.

Жамшид судда берган қўрсатмасида маълум бир муддат шифохонада даволаниб чиққан, Санобар билан қочиб кетиб, ҳозир бирга яшаётганликлари, ammo никоҳи расмийлаштирилмаганини, ҳатто шаръий никоҳдан ҳам ўтинмаганини, айбдорларга суд томонидан адолати чора қўрилиши кераклигини айтиди.

Суд ҳукмига кўра айбдор Аббор Раҳмоновга тегишли жазо тайинланади. Қилмиш-қилдирмиш, деб шуни айтсалар керак-да.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу бежиз эмас. Аждодлар донм Ватанини онага қиёс этган. Шу туйғунини англамаган, ўзга юртининг ҳўрозқандини ётиб ялашга тайёр кимсалар ўз юрти, ҳатто ота-онасига ҳам ҳар қандай ёмонликни яраштиради, ўзгилган, инсоний туйғулардан айрилиши аён ҳақиқат.

Бутун “Green card” талвасасида ёнаётганлар мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етса бўлади.

Холбой ҚОСИМОВ,
журналист

KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

Bahor manzarasi

Qish bilan bahorning talosh kunlari. Qishloq ayollari uyinging oltobro' tomonida devorga suyanib, chuvoqlab o'tiribdi. Ularning ba'zisi paxta chigitlasi, boshqasi urchuq yigiradi. Olaquroq qilib bo'yalgan po'stakda g'ujanak tushib yotgan bola esa, ko'zini yumib, quyoshga qaraydi. Uning qovog'i quyosh nurida qip-qizil bo'lib ko'rinadi va ayni damda ko'z oldida xuddi shu rangdagi turli chiziqchalar paydo bo'ladi.

Bola son-sanoqsiz chiziqchalar va nuqtalar orasidan shakl izlay boshlaydi. Ayni chog' urchuq yigirayotgan ayol qo'lini baland ko'tarib quyoshni to'sib qo'yadi. "Ekonomchi" montyorlar kutilgan kino boshlanishi bilan chiroqni o'chirganday, bolaning ko'z oldidagi tomosha birdan g'oyib bo'ladi. Dunyo qorong'i bo'lib qoladi. Oltobro'da taniga ingan iliqlikdan rohatlanib yotgan bola ko'zini ochishga ham erinib biroz ortga tisarilib yotadi. Endi uning oyog'i uying burchak devoridan nari o'tadi.

Ayollar uying janub tomonida quyoshga qarab, chuvoqlab o'tirgan bo' payta, shimol tomondan sovuq shabada esadi. Shabada uy devoriga urilib, uying ikki yonidan aylanib o'tib yo'lida davom etadi. Bolakay ana shu shamolpana chuvoqda tanini oftobda toblab o'tira-o'tira yotib olgan. Endi devordan nariga o'tgan oyog'ini sovuq shamol yalaydi. Ayni chog' qo'li muzlab qor kuragan yodiga tushadi. Bola oyog'ini shamolpanaga tortgan payt onasi: "Sumalakning unishiga bir-ikki kun bor. Bugun ko'rganimda yaxshigina nish o'tibdi", — deydi.

Sumalak daragini eshitgan bola boshini ilkis ko'tarib: "Ena, sumalakni qachon qaynatamiz?" deydi. Savoliga javob olgach, endi uying burchagiga joylashib o'tiradi-da, qo'lini cho'zadi. Boyagi shamol bir zunda qo'lini yaxlatadi. Keyin shamolpanaga o'tgan barmoqlari quyoshda rohatlanadi. Bola o'zini qish va bahorning chegarasida o'tirganday his etadi.

— Ha, bunday turibsiz?

Savol egasiga qarab o'g'ridim. Hamkasbim zinada turib boyagi savolni takrorladi.

— Chuvoqlab turibman.

— Nima?!

Endi ovozinini bir parda balandlatib so'zini takrorlayman. U baribir tushunmaydi. Bu yoqqa keling, deganday qo'lim bilan ishora qilaman. U zinadan tushib, aylanib yonimga keladi. Shundagina unga "chuvoqlab" degan so'zni izohlashim kerakligini bilaman. Boya uning savoliga javob berayotib, bu so'zni hamma bilavermasligini xayolimga ham keltirmagan

ekanman. Hamkasbim bahorni sog'ingan odamlar chuvoqlab o'tirishini eshitib, og'ir xo'rsinadi. U ham bolaligini, o'z bahorini eslatib, deb o'ylayman. Keyin ikkimiz bahor, sumalak va Navro'z haqida subhatlashib ketamiz.



Bahor va sumalakni bir-biridan ayro tasavvur qilib bo'lmaydi. Bolaligimda bahor biz sumalak qaynatgan kundan boshlanardi, go'yo. O'sha kuni qo'ni-qo'shnilar jam bo'lar, ancha vaqtdan buyon bir-birini ko'rmagan hamsoyalari topishib, tongotar gurgun bo'lardi. Ayniqsa, biz, bolalar sumalakka hissa qo'shishdan quvonib, o'tinga talashganimiz, chelaklab suv tashiyverib butimiz jiqqa ho'l bo'lgani, bu yumushlardan bo'shab, o'yinga berilib ketishimiz... Chillak, qulashmochiq... Qorong'i tushgach esa, bekimochiq o'yini yakuniga yetmay, oshxona yoki o'choq boshida xalab qolganlarimiz...

Bularning bari ko'z o'ngimdan kinotasmasiday birma-bir o'tadi. Ayniqsa, qaysidir qo'shimlar orasidan "olamshuk" o'tgan bo'lsa boshqalar: "Azizlarning taomida

tumshuq tirab (yuz burib) yurmanglar", deb yarashirgani esimda. Boshqa payt qancha qistov bilan ham yarashmagan qo'shnilar sumalak va bahor sabab bir og'iz gap ila nizoga chek qo'yadi. Bunday kunlarda hech kim bir-birining gapini og'ir olmaydi. Odamlar tabiatdan bag'rimganki o'rganadi...

Bunday sumalak sayillari Navro'zga ulanib ketadi. Bolaligimda Navro'zni ham o'zgacha kutib olardik. Birgina men o'qig'nan maktabda bo'ladigan bayram chinakam sayilga aylandi. Bayramga qatnashadigan hamma o'quvchi milliy libos kiyardi. Musobaqa tarzida hozirlik ko'rgan o'quvchilar bir-birlarini ortda qoldirish uchun bayramga daxldor neki bo'lsa o'shani namoyish

etishga urinardi. Shu sabab bayramning asosiy qismi don sepih, bug'doy yanchish, sumalak qaynatish va yomg'ir chaqirish kabi marosimlarda aytiladigan qo'shiq va laparlari bilan o'tardi. Bu aytilar shunchaki kuylanmas, bil'aks, sahna ko'rinishi ila to'dirilardi.

Bir safar yerni omoch bilan ag'darishni ko'rsatish uchun kimdir uyidan buqa yetaklab kelgani yoki sahnada eчки sog'ilgani ham rost. Ertalabdan to kechgacha davom etadigan bu bayramda butun mahalla jam bo'lardi. O'zim ta'lim olgan — Qumqo'rg'on tumanidagi 37-umumta'lim maktabida bayram boshqa o'quv dargohidagilardan tubdan ajralib turardi. Shu sabab qo'shni maktablar va mahallalardan ham tomoshabin ketardi. Hozir bu gaplarni yozaympan-u huddi oradan ellik-o'tilmish

yil o'tib ketganday tuyulyapti. Aslida bu nari-berisi bilan o'n besh-yigirma yil burungi gurgun.

Darvoqe, o'sha paytlarda "milliy bayramimiz", "qadim qadryatlar" kabi so'zlar deyarli aytilmasdi. Ehtimolki, bunga hojat yo'q edi. Negaki, maktab sahnasidagi har bir chiqishning o'zida milliylik, qadim qadryatlar shundoq ko'rinib turardi. Zero, tengdoshlarim va bizdan katta avlod telefonga mukkasidan ketib, "zamonaviylik" ortidan yugurmagan va estrada "yulduz"lariga taqlid qilishday xastalikka yo'liqmagandi. Kezi kelganda aytay. Yurtimizda Navro'z bayrami yana umumxalq sayli sifatida nishonlanayapti. Bu quvonchli, albatta! Lekin bugun maktab sahnasidagi chiqishlar, yoshlarning umuminsoniy qarashlarga yot bo'lgan ko'rinishlariga o'chligi odamni o'ylantiradi.

Bu mavridi kelganda aytib o'tilgan mulohaza va o'sha kuni hamkasbim bilan qilgan subhatimiz mavzusi edi. Keling, hozir bu gaplarni unutib NAVRO'Z haqida so'zlasam.

Boshqa fasllarni yaxshi ko'rganimiz holda bahorni o'zgacha intilqlik bilan kutamiz. Sharqona taqvim bilan aytganda, Hut oyi (21-fevral kundan 6-8 mart kunlarigacha) kelishi bilan inson tabiatga talpinadi. Umrida ketmon ushlagan kishi ham yer ag'dargisi yoki yam-yashil qirga chiqishi keladi. Shaharda tug'ilib umri baland binolar orasida o'tayotganlar ham hashar bahona hech bo'lmaganda yon-atrofni tozalab, daraxtlarni oqlashga bel bog'laydi. Qizig'i, bu yumushlarni hamma o'z ixtiyori bilan bajaradi. Nega shunday ekan, a?!


Tabiatda bahor epkini esishi bilan tuproqqa tushgan don borki, ildiz otadi. U miti va nozik jussasi bilan zilday tuproqni yorib chiqadi. Uning shijoatini inson aqlan mushohada qilarkan, miti maysaning jasoratiga tan beradi.

Xuddi shuningdek, inson ham qorong'i qish kechalari qisqarib borgan sari bahorga ehtiyoj sezadi. Ana shu ehtiyoj — yashilikka yetish istagi uying qo'liga ketmon tutqazadi. Anchadan buyon xasta yotgan birodarining holidan xabar olishga undaydi. Bemorning ko'ngliga yorug'lik, hayotga intilish beradi. Bir so'z bilan aytganda, insonni-insonga yanada yaqinlashtiradi. Buning barchasi donning tuproqni yorib chiqishidagi jarayonga o'xshaydi. Inson ham o'zini bilmagan holda quyosh va yomg'irga — yorug' xayollari ila tiniq tuyg'ularga talpinib yashaydi. Bu istakning yuksak cho'qqisi esa, NAVRO'Z bilan tutash. Nazarimda, aynan shuning uchun biz bahorni ayrica yaxshi ko'ramiz. Holbuki, mayseadik unmoqlik shijoati bizga yana bir yil UMR hadya etadi.

Shular haqida mulohaza qilar ekanman, BAHOR urchuq yigirayotgan ayollarning kelajak janubidagi umidbaxsh gurgun — uyimizning janub tomonidagi oltobro'dan boshlanishini anglayman.

Bobo RAVSHAN

MULOHAZA UCHUN MAVZU



Tasavvur qiling, bir kun barcha odam zabonsiz bo'lib qolsa, hech qanday bola yig'isi, kulgu eshitilmasa... Qushlarning sasi va qadam tovushimizdan bo'lak hech qanday ovoz bo'lmasa. Odam "so'z" degan ulug' ne'matdan musovu bo'lsa...

HAR NARSANING uvoli bor

Robinson Kruzo yillab kimsasiz orolda qolganida eчки, it va umuman, butun tabiat bilan subhatlashadi. Tinimsiz o'ziga-o'zi gapiradi. Nega? Chunki odam dilidagi tuyg'uni faqat so'z orqali ifoda etadi. Shu ne'mat ila ruhiyati tetiklashadi. O'zini va borliqni anglashga urinadi. Navoiy iborasi bilan aytganda insonni hayvondan farqlovchi jihat — so'z! Shu sabab uni haqli ravishda ulug' ne'mat deymiz. Xalqimiz har qanday ne'matning qadriga yetish, uni asrab-avaylashga undaydi. Bu bejiz emas. Chunki, isrofgarchilik oxiri kambag'allikka olib keladi.

So'z o'zlikni asrab qolishning asosiy omili ekan, uni o'rmda ishlatishga, isrof qilmaslikka qay darajada e'tibor qarataymiz? Ortiqcha non oshqozonga og'irlik qilgani kabi o'rmda ishlatilmagan so'z ham ko'ngilga botadi. Ta'sirini yo'qotadi. Bir daqiqa o'zingizni, yon-atrofigizdagi insonlarni chetdan kuzating. So'zlariga e'tibor bering. Shunda SO'Zga bo'lgan munosabatimizga guvoh bo'lasiz.

Avtobus doimgidek odamlar bilan tirband. Bunday noquyallik, albatta, kayfiyatga ta'sir etadi. Bu hali yetimaganidek, yo'l-yolakay yana yo'lovchilar chiqdi.

Avtobus navbatdagi bekatda to'xtadi. Orqa eshikdan ikki ayol chiqdi va eshik bazo'r yopildi. Ayollardan birining sumkasining tutqichi uzilib ketdi. Avtobus ichida ko'z ko'rib, quloq eshitmagan mojar bo'ldi. Ayollar bir-birini ayblardi... Chiptachi yigit vaziyatni izga sola olmagach, haydovchi tormoz boshiga majbur bo'ldi va jahl ustida hammani ulovdan tushira boshladi. Oramizda yoshi ulug' onaxon bor ekan, u avval haydovchini, so'ng boyagi ikki ayolni shirin so'z bilan tinchlantirdi. Avtobus yo'lida davom etdi. Bir-birini haqorat qilgan ayollar atrofdagilarda o'ziga nisbatan nafat qo'zg'atdi. Ayni paytda ular sabab yo'lovchilar manziliga vaqtida yetib bormasligi ham mumkin edi. Ammo onaxonning shirin so'zi mojaroga barham berdi. Janjalkashlarning yuzi qizardi. Har bir yo'lovchi bu voqeadan o'zicha xulosa chiqardi va manzilga kechikmaydigan bo'ldi.

So'zni qachon va qay tarzda qo'llash o'zimizga bog'liq. Bu ulug' ne'matning qadriga yetmasak, uvoli tutadi. Avval o'ylab, so'ng gapirgan baribir yaxshi.

Umida SAYLIYEVA

PSIXOLOG MASLAHATI



— Qizim 15 yoshda. U bilan dugonadekmiz. Oramizda hech qanday sir bo'lmasdi. Lekin yaqin kunlarda mendan nimanidir yashirayotgandek tuyulyapti. Otasi safarda bo'ladi. Shu bois farzandlar tarbiyasi ko'proq mening zimmamda. To'g'ri tarbiya beraman deb, ba'zida qattiq gapirib yuboraman. Aytning, nima qilay?

Oynura ZAFAROVA
Ishtixon tumani

Savolga psixolog Shahnoza XALILOVA javob beradi:

— Umuman, o'smir yoshdagi yigit-qizlar bilan mulohaza qilishda nihoyatda ehtiyoqkor bo'lish lozim. Bundan aslo tashvishga tushmang. Maslahatim, buni tabiiy jarayondek qabul qiling. Shunda ortiqcha o'y-xayollardan xalos bo'lasiz.

Avvalo xavotirlaringizni yo'qotishga harakat qiling. Qizingiz sizda xavotirlanishni sezdimi, o'zi istar-istamas sizdan yiroqlashadi. Chunki o'zida kechayotgan jarayonlar bilan sizni cho'chitishni istamasligi mumkin. Farzandingiz bilan ishlashdan oldin o'zingiz psixolog qabuliga yoziling. Sababi o'smirlik paytida yoshlarning bilib-bilmasdan qilib qo'yan ishlari ko'pin-

cha ota-onalar sababchi bo'lib qoladi.

Bu davrda farzandingiz darslarga qiziqishini yo'qotishi, yangi do'stlar orttirgisi kelib qolishi tabiiy hol. Bu vaziyatda unga bosim o'tkazishga urinmang. Aksincha, fikringizni do'stlariga, yotig'i bilan tushuntiring. Ularni aslo biyiq muhitga tashlab, tarbiya qilaman, deb o'ylamang. Erkinlikka chiqaring. Axir ular ulg'ayayapti. Qizingiz bilan katta odamlardek mulohat qiling. Qanchalik samimiy bo'lsangiz, aminmanki, u ham sizdan hech narsani sir tutmaydi. Zero, so'z — qudratli kuch. Farzandingizni shirin muomala bilan to'g'ri tarbiyalashingiz mumkin.

BILIMDONLIK MASHQLARI

- MUAMMONOMA. Kalit so'zlar: 1. Yangi chiqqan oy — 18, 4, 19, 7, 19.
 2. Ochilgan chechak yuvrog'idan tayyorlanadigan ichimlik — 10, 13, 19, 7, 5.
 3. Qo'l bilan o'tladigan uchi quroq — 2, 1, 15, 14, 1.
 4. Qadimda qo'llanilgan, taxminan to'rt yuz garmaga teng vazn o'lchovi — 17, 1, 16, 7, 17.
 5. Tol daraxti turi — 11, 1, 8, 5, 4, 9.
 6. Dunyoda eng kuchli yirtqich — 12, 6, 3.
 Endi shakl atrofidagi raqamlarda yashiringan muammonomani kalit so'zlari javoblaridagi harflar orqali hal eting. Bunda ulardan ikki misra hikmatli so'z va uni yozib qoldirgan o'zbek ma'rifatparvar shoirasini bilib olasiz.

- KROSSVORD. Eniga: 7. Shina qoplamasi ostidan joylashtirilgan ichiga havo damlangan rezina qobiq. 8. Xo'jalik subyektlari moliyaviy hisobotining mutaxassis tomonidan amalga oshirilgan ekspertizasi va tahlili. 10. Surxondaryo viloyatidagi ko'mir koni. 11. Zomin tumanidagi shahar. 12. O'zbek teatr sahnasida namoyish etilgan ilk asar. 13. Duradgorlikda ishlatiladigan yupqa, ensiz uzun taxta. 18. Kuchli sovuq shamol. 19. Atr-upa hamda dori sanoatida ishlatiladigan yalpizdoshlar oilasiga mansub xushbo'y, shifobaxsh o'simlik. 20. Superliga jamoasi. 21. Sayyoh, olim A.Vamberi yozishicha, mingga yaqin talaba tahsil olgan, XIV asr oxirida Samarqandda bunyod etilgan madrasa. 23. Alisher Navoiyning "Sab'ay sayyor" dostoni qahramoni. 24. O'zbek shoiri, aktyor va dramaturg, milliy musiqali drama asoschisi, "Halima" operasi muallifi, qattag'on yillar qurboni. 30. Yoyilgan yupqa xamiri kesib, o'ziga xos shaklda yog'da qovurib tayyorlangan pishiriq. 32. O. Hoshimovning "Ikki eshik orasi" romani qahramoni. 33. Mustaqillik yillarida ro'yogga chiqayotgan adolat, ma'rifat, haqiqat, ezigulik, moddiy va ma'naviy boyliklar majmui. 34. Haydalgan yerni tekislashtira ishlatiladigan qishloq xo'jaligi quroli. 35. Biror narsaning cheklangan me'yori. 36. Kuzatilayotgan samo jismi va kuzatish nuqtasi orqali o'tkazilgan vertikal tekislik bilan meridian tekisligi orasidagi burchak.

- Bo'yiga: 1. Gazlamaga igna bilan gul, rasmlar tikuvchi hunarmand. 2. O'zbekiston Qahramoni, O'zbekiston xalq shoiri. 3. Oliy o'quv yurtlarida biror fan bo'yicha faoliyat olib boruvchi professor, o'qituvchi va ilmiy xodimlarning tashkiliy birlashmasi. 4. Chavandozlik musobaqalari o'tkaziladigan maxsus jihozlangan maydon. 5. Urug'dan achchiq ziravor tayyorlanadigan mayda sariq gulli o'simlik. 6. Asli imi Nurmahammad G'arib bo'lgan XVIII asr turkman shoiri Andaloib taxallusi bilan turkman va o'zbek tillarida ijod qilgan. Ijodkor taxallusini o'zbekcha ma'nosi. 9. Narsa va obyektlarni bezash, ularga tasvir tushirish bilan shug'ullanuvchi mutaxassis. 14. Ilarni parvarishlash va ularni biror faoliyatga o'rnatish bilan shug'ullanuvchi shaxs. 15. Topshiriqning bajarilishi haqida tegishli tashkilotlarga beriladigan rasmiy axborot. 16. AQSHning

→	**	7	18	1	8	**	6	3	11	1	2	10	**	9	1	12	17	4	**	**
11	13	3	1	9	10	1	**	5	6	3	8	1	**	14	6	5		7	2	1

**	1	**	**	2	**	**	3	**	**	**	4	**	**	5	**	**	6	**	**	**
7							**	8		9				**	10					
**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**
11								**	**	**	**	**	**	12						
**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**
18								**	**	**	**	**	**	19						

**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**
20								**	**	**	**	**	**	21						
**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**
23								**	**	**	**	**	**	24						25
**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**
28								**	**	**	**	**	**	29						30
**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**
32								**	**	**	**	**	**	33						
**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**
34								**	**	**	**	**	**	35						36
**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**	**

7	2	1	**	15	13	3	9	4	2	10	2	4	**	18	1	8	4	12	1	
1	18	19	1	**	14	8	8	**	1	2	5	1	3	**	7	9	4	2	**	

shimoliy qismidagi, Kanada bilan chegaradosh shtati. 17. Chingiz Aytmatovning adabiyotshunos olim Ibrohim G'ofurov o'zbek tiliga tarjima qilgan romani. 22. Temuriylar davrining mashhur tarixnavisi Sharafiddin Ali Yazdiy asari. 25. Turkiyaning geografik jihatidan Osiyo va Yevropa hududlarida joylashgan eng katta shahri. 26. Yaqin va O'rta Sharq, Markaziy Osiyo va Janubiy Kavkaz xalqlari

orasida keng tarqalgan dostonlar turkumi. 27. Bir-biriga yuzlangan holatda, yuzma-yuz, ro'baro' so'zlarining ma'nodoshi. 28. Nasidor, chopqir, uchqur ot. 29. Abu Ali ibn Sino tavallud topgan maskan. 31. Misning qalay, alyuminiy, kremniy, berilliy, qo'rg'oshin elementlari bilan qotishmasi.

Tuzuvchi: Foziljon OROPOV



Qish taqvimidan

Fevral erib bitayotir,
Umr o'tib ketayotir,
Dil nenidir kutayotir,
Xo'rsinshlar halol endi.

Qora bulut, qoringni qo'y,
Qara, qirda boshlandi to'y,
Boychekchalar yetganda bo'y,
Qovoq uysang, malol endi.

Har novdada kurtak qator,
Mo'jizaga homilador,
To'ilgingdan ketmay mador,
She'r yozmasang, uvol endi!..

Yurak, tentak qushdaysan-a,
Ko'kragimda qishlaysan-a,
Nechun yana mushlaysan-a?
Bezovtalik malol endi.

Sevay desam, singlimdayin,
Sevmay desam, ko'nglimdayin,
Ayt o'zing, hut, sen kimdayin?
Jonim nechuk havol endi?

Ko'ngilda shu savol endi...

Azizbek HAKIMOV
Namangan viloyati

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrinoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi
Hasan USMONOV

Dizayner
Xurshid ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Telefonlar: (71) 150-22-74, (71) 233-95-97, (71) 233-79-69 (faks)

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.

Hajmi — 2 bosma tabaq.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indekslar: 203, 3203

Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-213 Adadi — 21400

Bosishga topshirish vaqti — 21.00 Topshirildi — 23.50 O'za yakuni — 23.25